

ISSN: 2181-3558
«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL OF INTEGRATED EDUCATION AND RESEARCH

**INTEGRATSIYALASHGAN
TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI**
**ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ**

THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH

ISSN 2181-3558

VOLUME 3, ISSUE 3

COLLECTION B

MARCH 2024



MUNDARIJA

B: Falsafa. Filologiya. Pedagogika. Psixologiya. Metodika. San'atshunoslik.
Sotsiologiya. Islomshunoslik. Iqtisod. Yuridik fanlari

Abdullayev U.U., Nurbayeva X.B. O'qituvchining faoliyati va pedagogik mahorati	2
Yarieva Z.Sh. Ingliz tili o'rghanuvchilarga lug'atni o'rgatishning samarali usuli ("ESA" metodi)	6
Тешаева Д.Р., Ибрагимова С. Вопросы повышения свойств засолоустойчивости сортов озимой пшеницы в почвенно-климатических условиях Бухарской области	8
Samadova Z.N. Xorijiy(ingliz) tilini o'qitishda o'quvchilarning og'zaki nutqini o'stirish	12
Axmatoxunova M., Shokirov A. Yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi (HPLC) yordamida dekserich suyuq ekstraktidagi rutin kontsentratsiyasini tahlil qilish	16
Axmedova M.E., Abdullayev M.Q. Chaqiriqqa qadar boshlang'ich tayorgarlikni tashkil etish va uni o'qitishda kredit tizimida nazariy bilimlarni oshiruvchi mustaqil ta'lif topshiriqlari tuzish usullari	20
Каюмов В.М. Роль наблюдения в методологии исследований внеурочной деятельности	27
Sayfulloyeva N.G'. Barkamol avlodni sog'lom qilib tarbiyalashda badiiy gimnastikaning o'mi	31
Ахматохунова М., Шокиров А. Анализ концентрации рутина в жидким экстракте дексерич с использованием высокоэффективной жидкостной хроматографии (ВЭЖХ) 35	
Азизова Н.А., Гозиева Г.А., Нормаматова М.Ш. Асалари личинкаларининг она асалари етиширишда аҳамияти.....	40
Сафарова З.Т. Xalq харакатли ўйинларини жисмоний тарбия дарсида кўллашнинг физиологик афзалликлари.....	44
Рахимова М.Ш. Применение методов функциональной тренировки для повышения скоростно-силовой подготовленности каратистов.....	47
Abdullayev I.A., Sotvoldiyev A.A., Xodjimatova G.D. Devor konstruksiyalarini issiqlikni himoya qilish xususiyatlarini kamaytiradigan omillar.....	54
Джабборкулова Д.С. Современные интерактивные средства и методы в процессе обучения русскому языку как иностранному	60
Назиров У. Мехнат конунчилигига кафолат: иш жараёнида ходим соглиғига етказилган заарларни қоплаш	65

ХАЛҚ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСИДА ҚЎЛЛАШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сафарова Закия Тешаевна
Бухоро давлат университети
Зоология ва умумий биология кафедраси
safarova.zakiya@mail.ru

Аннотация. Мақолада халқ харакатли ўйинлари ёрдамида болаларнинг физиологик ривожланиши, диққанинг тўғри шаклланиши, жамоа бўлиб ишлаши, коммуникативликни ривожлантириш ҳақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: физиология, харакатли ўйинлар, диққат, коммуникативлик, креатив.

Аннотация. В статье представлены данные о физиологическом развитии детей с помощью национальных подвижных игр, правильном формировании внимания, работы в команде, развитии коммуникативности.

Ключевые слова: физиология, подвижные игры, внимание, коммуникативность, креативность.

Abstract. The article presents data on the physiological development of children with the help of national outdoor games, the correct formation of attention, teamwork, and the development of communication skills.

Keywords: physiology, outdoor games, attention, communication skills, creativity.

Узок ўтмиш тарихий тараккиётининг мутлоқ занжири бўлган инсон цивилизациясининг шундай устунлари ва тамал тошлари борки, уларда ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг бир-бири билан уйғунлиги, ривожи ва давомийлиги сақланиб келади, авлоддан-авлодларга мерос сифатида ўтади хамда қадриятлар даражасига етади.

Қадриятларда эса, бир бутун халқнинг, миллатнинг иймон-эътиқоди, орномуси, инсоф-диёнати мужассам этилади. Шунинг учун ҳам тарихнинг маълум бир бўлагида, даврида қадриятларни авайлаб-асрас, ривожлантириш ва кейинги авлодларга мерос сифатида қолдириш ушбу ишлар учун масъул шахслар, қолаверса зиёлилар, тадқиқотчи-олимлар зиммаларига жуда катта масъулият ва вазифаларни юклайди.

Ҳозирги технологиялар ривожланган, “ақлли гаджетлар”ни кундалик ҳаётда кўп қўлланилиши инсонларнинг динамик харакатларини пасайишига, ўтириб ишлаш натижасида эса турли касалликлар юзага келяпти. Кам харакатлилик, асосан болалар организми ривожланишига, қон айланиши, тўқималарнинг кислородга тўйиниши пасайишига сабаб бўлади. Шулар билан бир каторда болаларни кўп вақтлари компьютер ва телефон олдида ўтгани сабабали уларда мускуллар ривожланиши орқада колиши, қадқоматнинг нотўғри шаклланиши каби ҳолатлар ҳам кўплабучраб турибди.

Мақолада шундай ҳолатларнинг олидини олиш, болаларнинг жисмоний фаоллигини оширишда миллый жисмоний ўйинларнинг тутган ўрни ҳақида маълуматлар келтирилди.

Жисмоний тарбия-соғлом муҳитни яратишида, ёш авлодни хар томонлама жисмонан ва маънан камол топтиришда ҳал қилувчи кучга эга. Сабаби, биз ҳамон тараққиёт сари кетаётган эканмиз, ҳали йўлумизда ечилиши керак бўлган таълимий муаммолар талайгина. Масалан, шу кунларда ҳаёт талаби ва тарбия услублари ўргасида қандайдир заифлик, бўшлиқ мавжуд. Бинобарин, мана шу бўшлиқни тўлдириш учун ҳалқимизнинг бебаҳо анъаналари, ноёб қадриятларидан хисобланмиш ҳалқ ҳаракатли ўйинлари, жисмоний тарбия машғулотлари муҳим ўрин тутади.

Ҳалқ ҳарвкатли ўйинлари зукко ҳалқимизнинг асрлар мобайнида жамлаган маънавий жавоҳирлар мажмуасидир. Ўзбек элининг донишмандлигини карангки, ҳар бир ўйин, аввало, содда, кизиқарли тузилган бўлиб, унинг мағзига ҳалқона оҳанг, миллийлик, меҳр-окибат, жасорат, мардлик, ватанпаварлик, фидоийлик, инсонийлик каби туйгулар сингдирилгандир. Таълим ва тарбиянинг бундай уйғулиги етук инсонни тарбиялаш учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Ҳалқ ҳаракатли ўйинларини мактабда жисмоний тарбия дарсларида қўлланилиши бу жуда катта тарбиявий, шу билан бирга физиологик аҳамиятта эгадир. Ҳусусан, ҳалқ ҳаракатли ўйинларидан “Беш тош” ўйини. Ўйинни тўғри ташкил этиш, ўқитувчининг креатив ёндашуви уни янада қизиқарли қилиши мумкин. Ўйиннинг бориши тартиби қўйидагича, тўртта оқ тошдан ва битта қора тошдан иборат иш ўуроли керак бўлади, бу ўйиннинг афзалликлари шундаки, ортиқча ҳаражотни талаб қилмайди. Ўйин қўйидагича бўлади.

1. Бешта тошни ерга ташлаймиз ва биттадан тошни қўлимизга олиб, қолган тошларни ердан илиб оламиз.
2. Яна тошларни ерга ташлаймиз, бу гал ердан 1 та олиб қолганларни иккитараб ердан илиб оламиз.
3. Яна тошларни ерга ташлаб, улардан бирини оламиз ва қолганларини учталаб илиб оламиз.
4. Битта тошни тепага отиб, тепадаги тошни илиб олиб, бу тош билан ердагиларни қўшиб бирга илиб оламиз.
5. Тошларни ерга ташлаймиз, 1 та тошни қўлга олиб, ердаги яна 1 та тошни илиб оламиз, учинчи тошни илиб олаётганимизда 1 та тошни нариги қўлимизга ўтказамиз, ерда колган яна 2 тошни ҳам шу тахлитда илиб олиб, тошларни ҳаммасини чап қўлимизга оламиз.
6. Тошларни ерга ташлаймиз 1 та тошни қўлимизга олиб, яна битта тошни олдинги олган тошимизни осмонга отиб илиб оламиз, 3 тасини илиб олаётгандаги 1 та тошни тушириб юборамиз.
7. 4-ўйинни яна қайтарамиз.
8. Тошларни ерга ташлаб иккита бармоғимизни (чап қўлда) думалоқ шаклида киласизда, битта тошни илиб, қолган тўртта тошни думалоқка

киритамиз ҳаммасини киритиб бўлгач думалоққа кирган тошларни илиб оламиз.

Бешта тошни ўнг кафтилизга қўйиб, тошларни юқорига отамиз ва ўнг қўлимиизни устига тошларни туширамиз. Нечта тош тушса, шунча ютуқ (очко) хисобланади.

Бу ҳалқ характли ўйининг физиологик аҳамиятли томони, болалардан дикқатни, эпчилликни, чакконликни талаб қиласди. Ўйинчи ўқувчида тошларни сезиш хусусиятларини ривожлантиради, физиологияда буни “сенсор тизим-сезги аъзолари” дейилади. Ўйинчи бармоқлари билан тошларнинг сонини аниқ сезиши, айнан 2 та ёки 3 та тошни пайпаслаб топиши ва тезда тепага отган тошни илиб олиши керак. Бунда бир вактнинг ўзида болаларда ҳам кўриш, ҳам бармоқ рецепцияси ҳам атрофдагиларни кузатиш фаолияти ортади, бу эса болалар дикқатнинг ривожланиши, бармоқ мускуллари харакатининг фаоллашиши, сезигрликнинг ортишига олиб келади. Юқоридагилар билан бир қаторда болалар орасида камайиб бораётган сабрлиликнинг шаклланиши ёрдам беради. Бу тош ўйини асосан киз болалар учун мўлжалланган, кизлардан аниқликни, чакконликни, сезигрликни ва дикқатли бўлишни талаб этади ва шу хусусиятларнинг ривожланишига олиб келади, хусусан бармоқ мускулларининг ривожланиши, бармоқларининг тўғри шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафарова, З. Т., Сафарова, З. Т., & Фаромонова, О. С. Қ. (2022). МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛANIШИДАГИ РОЛИ. *Scientific progress*, 3(1), 385-388.
2. Sharipova D., Hikmatova D., Safarova Z. ADAPTATION AND ACTIVE INTERACTION OF YOUNG CHILDREN WITH ENVIRONMENT //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. В5. – С. 341-342.
3. Т.С.Усмонхўжаев ва бошқалар. ҲАЛҚ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ. Дарслик. Тошкент 2014 йил.